O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 19 ноябрь ЧОРШАНБА
№ 92 (12.103)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади
www.th.uz

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* *ФАРМОНИ*

## ИҚТИСОДИЁТ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400,0 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этади;

фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўзларининг устав жамғармаларини мазкур Фармонда белгиланган миқдоргача кўпайтира олмайдиган акциядорлик жамиятлари ўртасида уларни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайтадан ташкил этиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмасининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинсин:

(Давоми 2-бетда).

*Ислоҳот самаралари*



СУРАТДА: «Osborn Textile» хорижий корхонаси операторлари (чапдан) Жамшид Жалолиддинов ва Эламон Урбашев синов учун чиқарилган илк маҳсулот билан.

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Бўстонлиқ туманида давлат томонидан белгиланган инвестиция дастурларининг ижросига жиддий киришилмоқда.**

Туманда илгаридан ишлаб келаётган 3 та ғишт заводи бор. Искандар шаҳарчаси, Товоқсой ҳамда Кўшкўрғон қишлоқларидаги бу заводлар лойиҳада белгиланган қуввати билан ишлаб турганига қарамай, уларни кўпайтиришга эҳтиёж сезилди.

– Бундай эҳтиёжнинг туғилишига ишлаб чиқарилаётган ғиштнинг таннархини арзонлаштириш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, энг асосийси четга экспорт ҳаракатини бошлаш мақсади туртки бўлди, – дейди туман ахборот-маслаҳат маркази унитар корхонаси раҳбари Шариф Соқиев. – Кўзлаган бу мақсадларимиз фақатгина соғлом рақобат муҳитида амалга ошади.

Яқинда очилиш маросимини ўтказиш мўлжалланаётган ана шундай янги ғишт заводи Янгиовул қишлоғида қад ростлади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур "Лак-бўёқ сервис омад" корхонаси бир йилда 36 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Дарвоқе, корхона масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият юритади. Яна бир очилиши кутилаётган "Султон Трединг" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ғишт заводининг келгусидаги фаолиятига ҳам соҳа вакиллари юқори баҳо беришмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушса, йилига мижозларга 10 миллион дона ғишт етказиб беради. Дарвоқе, ушбу икки корхонада 150 нафар туман аҳолиси муқим иш билан банд бўлади.

Бундан ташқари, яна учта ғишт заводи лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Лойиҳалар ниҳоясига етгач, Думалоқ қишлоғида "Оил-Нур", Қорамақас қишлоғида "Формика" ҳамда "Созловчи-1" ишлаб чиқариш корхоналари ўз фаолиятини бошлайди. 2009 йилнинг охирига қадар бу корхоналарда 150 миллион дона ғишт тайёрланиши тахмин қилиняпти. Энг асосийси, 750 та янги иш жойлари очилади.

(Давоми 2-бетда).

## ЁҒЛИ СУТДАН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

**Қуйичирчиқ туманидаги "Азия агро альянс" компаниясига қарашли сутни қайта ишлаш минизаводига замонавий Голландия технологияси олиб келиб ўрнатилди.**

Янги технология кунига бир тонна сут соғиб олишга ёрдам бераяпти. Энг асосийси, соғиб олинаётган сутнинг ёғлилик даражаси анча ортди. Бу эса сифатли ва тўйимли қаймоқ, сметана, қатиқ, творог, пишлоқ ҳамда қуруқ сут каби маҳсулотларни тайёрлашда қўл келмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*Қомусимиз – бахтимиз*

**Мустақил, кўп миллатли, эркин давлат – Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли мутлақо янги, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий омилларни ҳал этиш йўли бўлиб, бу ҳаётий муҳим ва шарафли вазифа сифатида жамиятимиз ривожида алоҳида аҳамият кашф этиб келмоқда.**

## ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мустақиллик туфайли диёримизнинг гуллаб-яшнаши, келажаги буюк, тенглар ичра тенг, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган давлатни барпо этиш имкониятига эга бўлолдик.

Сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг босқичма-босқич ривожланиб бораётганини кузатган киши шунга амин бўладики, уларнинг моҳияти фақат ишлаб чиқаришни эркинлаштириш, моддий бойликларни кўпайтиришдангина иборат эмас. Бу йўлда қилинган ҳар бир ҳаракат, амалга оширилган мақсад замирида ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтариш, улкан, шу билан бирга замонавий иншоотларни барпо этиш, тарихий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва қуриш каби улуғвор ишлар замирида узоқ ўтмишга эга бўлган халқимизнинг турли босқинлар, ўзга давлатлар томонидан топталган, ўзаро низолар натижасида талон-торож қилинган моддий ва маънавий қадриятларни тиклашдек эзгу ниятлар ётганини кўрамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қудратини оширишга эришдик. Халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Юртбошимиз раҳбарлигида ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий соҳаларда улкан натижаларга эришмоқдамиз.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: "Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим".

Ҳа, ҳақиқатан ҳам кўп миллатли, мустақил Ўзбекистон халқи нималарга қодир эканлигини ўз меҳнати, ҳар жабҳада уддабурон, яратувчанлик кучига эга эканлигини бутун дунёга намоён этиб келмоқда. Бундай тарихий аҳамиятга молик ютуқларга эришишимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Машғулот*

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида "Конституция ва инсон ҳуқуқлари" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Тошкент вилояти минтақавий вакили, вилоят адлия бошқармаси ва прокуратураси вакиллари иштирок этишди.**



Семинар қатнашчилари "Инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишида Омбудсманнинг роли", "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар", "Ўзбекистон Республикаси қонунларида Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг акс этиши" каби муҳим мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғояга айланди, – деди Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлари номзоди, доцент Раъно Турдибоева. – Инсон омилига олий қадрият сифатида ёндошиш тамойили амалга кирди. Мамлакатимизда, айниқса, инсоннинг, аввало, оналар, болалар ва ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланишлари учун барча шароитларни яратиб бериш устувор вазифалардан бирига айланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар инсоннинг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларида мустаҳкамланган ва умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли аъзоси бўлган Ўзбекистоннинг қонунчилигида ҳам тўла ўз аксини топганлигини таъкидладилар.

Семинар иштирокчилари савол-жавоб тарзида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, "Менинг ҳуқуқларим" мавзусида мастер-класс машғулоти ҳам уюштирилди.



СУРАТЛАРДА: семинар жараёнидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари*

## УЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

**Бугун маҳалла деса, тинч, осойишта, ҳамфикру ҳамжиҳатликда иш кўрадиган, кексаю ёшга суянчиқ бўла оладиган истиқболли маскан кўз олдимизга келади. Ҳақиқатдан ҳам Ватан ичра кичик Ватанга айланиб улгурган маҳалланинг обрў-эътибори, жамият олдидаги мавқеи йилдан йилга юксалиб бораётир.**

Шу кунларда туман ва қишлоқлардаги ана шу мўътабар масканларда ўзига хос, лекин ўта муҳим тадбир – фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Хусусан, Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳалласида ҳам бу сайлов очиқ, ошкора, демократик руҳда ўтди. Унда республика ва вилоят кўмаклашувчи комиссиялари аъзолари иштирок этишди. Кун тартибига қўйилган масалалар билан ишчи гуруҳи раиси Меливой Солиҳов йиғилганларни таништирди. У Мустақиллик маҳалласидаги 19 та кўчадан 240 нафар вакил сайланганини, маҳалла оқсоқоллигига эса 3 кишининг номзоди кўрсатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Сўнгги йилларда Мустақиллик Янгийўл шаҳридаги энг обод ва кўркам маҳаллалардан бирига айланди. Бу ерда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли ёшлар тарбиясига, аҳолини иш билан таъминлаш, болалар спорти, кам таъминланган оилаларга эътибор кучайиб, касаначилик ривожланмоқда. Буларнинг барчасида маҳалланинг тадбиркор, ишбилармон оқсоқоли Абдужалил Қоратоевнинг хизмати катта.

– Абдужалил серғайрат йигит, – деди йиғилишда сўзга чиққан вакил Ирисмат Пўлатов. – Ўтган йиллар давомида унинг ғайрат-ташаббуси туфайли маҳалламизда анча ишлар йўлга қўйилди. Касаначилик асосида тикув цехи ишга туширилди. Бугун бу ерда 30 дан ортиқ хотин-қиз иш билан банд. Болаларимиз учун янги спорт-соғломлаштириш маркази бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла оқсоқоли Абдужалилга ўхшаган бўлса, элнинг юки ерда қолмайди.

Шундан кейин сўз олган Ҳусанбой Ёдгоров бу фикрни қувватлаб гапирди:

– Абдужалил ҳамиша халқнинг дарду ташвиши билан юради. Маҳалламизда 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Кўз тегмасин, ҳаммамиз иноқ яшаяпмиз.

– Менда бир таклиф бор, – деди сўзга чиққан 98 ёшли вакил Низом ота Ҳамроқулов. – Кўриб турганингиздек, маҳалламиз тобора чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Кўчаларимиз янгидан асфальт қилинаётир. Маҳалла оқсоқоли ташаббуси билан оталар чойхонаси қурилиши режалаштирилди. Буни давом эттиришни ҳам ўйлашимиз керак.

Очиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайлов натижаси бўйича 85,7 фоиз овоз олган Абдужалил Қоратоев янги муддатга маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. У таклиф этган маслаҳатчилар таркиби ҳам бир овоздан маъқулланди.

Шу куни Тошкент туманидаги Қизғалдоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Муҳаммаджон Фозилов, Зоғариқ, Ҳамза Умаров, Ислом Баҳромов маҳалларида ҳам ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтди. Уларда аҳолининг якдиллиги ва фуқаролар йиғинининг кўпқиррали вазифаларни амалга оширишга ишончи ёрқин намоён бўлди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ДАСТЛАБКИ РАҚАМЛАР ТАҲЛИЛИ

**Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент вилояти комиссиясида шаҳар ва туманлардаги сайловларнинг дастлабки беш куни натижалари таҳлил қилинди.**

– Шу йилнинг 15 ноябригача шаҳарлардаги 17 та, шаҳарчалардаги 14 та, қишлоқлардаги 62 та – жами 93 та маҳаллада, 5 та қишлоқ фуқаролар йиғинида 98 та оқсоқол сайланди, – дейди комиссия раисининг ўринбосари Суяр Қурбонқулов. – Улар орасида биринчи маротаба сайланганлар 15 нафар. Иш фаолиятини бошлаган раисларнинг 55 нафари олий, 30 нафари ўрта махсус маълумотли. Уларнинг 38 нафари ўқитувчи, 13 нафари иқтисодчи, 5 нафари ҳуқуқшунос ва ҳоказо. Раисларнинг 9 таси 40 ёшгача, 22 таси 40 дан 50 ёшгача, 47 таси 50 дан 60 ёшгача, 20 таси 60 дан ошган. Уларнинг 13 нафари аёллар.

Шу йиғилишларда сайланган 757 нафар маслаҳатчиларнинг 271 таси биринчи марта сайланганлигини ҳам эътироф этмоқ керак.



*Обуна – 2009*

## ДИЛКАШ СУҲБАТДОШ,

***яқин маслакдош – бу Сиз севиб ўқийдиган "Тошкент ҳақиқати" газетаси!***

Бу нашр Сизни дунё воқеаларидан, республикамиз ҳамда вилоятимизнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгариш ва янгиланишлардан воқиф этибгина қолмай, кўнгилочар мавзулар: ҳикоя ва ҳажвиялар, турфа хил ҳангомалар, рассом хандалари, сканвордлар билан кунингизга мазмун, дилингизга завқ бағишлайди, шунингдек, баҳс-мунозараларга чорлайди.

Шундай экан, газета Сизни қизиқтирган мавзу доирасида фикр-мулоҳазаларингизни эркин ифода этадиган ишончли минбар ҳамдир.

2009 йил обуна мавсуми бугун ҳал қилувчи паллага кирди. Ўтаётган ҳар бир дақиқа ғанимат. Имкон топиб, фурсат борида "Тошкент ҳақиқати"га обуна бўлишни унутманг!

"Тошкент ҳақиқати" индекси – 205.

